



КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Ўзбекистон Республикаси президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра, мамлакатдаги ОТМлар 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган.

Мазкур ОТМларда асосан ECTS кредит-модуль тизими жорий этилиши кўзда тутилган.

ECTS ва айрим хорижий давлатларнинг миллий кредит тизимининг қиёсий таҳлили



ЕВРОПА
ИТТИФОҚИ
ДАВЛАТЛАРИ

ECTS
60



ЭСТОНИЯ
Ainepunkt (AP)

40



АМЕРИКА
ҚЎШМА
ШТАТЛАРИ

Credit hour
120



НОРВЕГИЯ
Vekttall

20



ФИНЛЯНДИЯ
Opintoviikot/
studieveckor

40



ШОТЛАНДИЯ
Credits (SCQF)

120



ШВЕЦИЯ
College credits

40

Кредит-модуль тизими: асосий тушунчалари ва ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби



ECTS (European Credit Transfer System) – Европанинг 45 давлати томонидан ишлаб чиқилган, текширилган ва такомиллаштирилган кредитларни тақсимлашнинг Европача тизими



ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60 тани ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, талаба ўқиши давомида ҳар семестр 30 кредит тўплаб бориши зарур. Бакалавр дастури 4 йил эканлигини ҳисобга олсак, талаба ушбу даражани қўлга киритиш учун жами 240 кредит, магистратура дастурини тугаллаш учун эса 120 кредит тўплаши керак бўлади.

Эрасмус дастури 1989 йилда Америка кредит тизими ва Нидерландия олий таълим тизимига асосланган ҳолда янги кредитмодуль тизими коидаларини ишлаб чиқади ва уни *European Credit Transfer System (ECTS)* деб номлайди

Кредит-модуль тушунчаси икки сўздан иборат: “кредит” ва “модуль”.

Кредит. Олий таълим соҳасида кредит кўпчиликка банк ва молия соҳаси орқали таниш бўлган қарздорлик ёки молиявий мажбурият тушунчасини англатмайди. Шунинг учун олий таълим соҳасида кредит сўзи кўпинча “академик” сўзи билан бирга ишлатилади.

Академик кредит - олий таълимнинг муайян босқичида ушбу таълим даражасини қўлга киритиш мақсадида талаба томонидан мунтазам равишда тўплаб бориладиган рамзий ўлчов бирлиги. Бу birlik талаба маълум миқдордаги ўқиш юкласини бажарганлиги ва муайян ўқиш натижаларини муваффақиятли тарзда эгаллаганлигини англатади.

Модуль. ECTS тизимида ўқув дастури бир неча модуллардан ташкил топади. Талаба кредитларни фақат модуллар орқали қўлга киритиши мумкин. Хўш ECTS тизимида модуль нимани англатади?

Академик модуль - яхлит, муайян ўқув натижаларига эришишга қаратилган, ўзининг баҳолаш мезонларига эга булган тизимли, изчил ўқиш ва ўрганиш ҳаракатлари жамланмаси. У одатда бир семестр давом этади лекин айрим ҳолларда бир неча соатдан иборат бўлиши ҳам мумкин. ECTS тизимида ҳар бир модуль ўзида муайян миқдордаги кредитларни акс эттиради.

Юқоридаги таърифга кўра, ўқув дастуридаги ҳар бир фан бу модуль ҳисобланади.



ECTS талабидан келиб чиқиб,
талабага ҳар йили 60 кредитдан 4
йил ичида жами 240 кредитни
тўплайди.



Шунда талаба 4 йил давомида
маъруза, амалий ҳамда лаборатория
машғулоти ва имтиҳон
жараёнларида иштирок этишига
2880 соат, мустақил таълимга 4320
соат, жами 7200 соат вақт сарфлаши
лозим бўлади.



=

25-30 соат
Ўқиш юкламаси

Бакалавр
240 Кредит

Магистратура
120 Кредит

1 йил – 60 кредит
1 семестр – 30 кредит



Талаба



6 Кредит = 180 соат ўқиш юкламаси

(40% аудитория соатлар / 60% мустақил ўқиш соатлар)





ОТМ 1 кредит учун 30 соатлик ўқиш юкламаси белгилаган бўлса, ундан 12 соати ($30 \cdot 0,40\% = 12$) аудитория соатлари, 18 соати ($30 \cdot 0,60\% = 18$) эса талабанинг мустақил ўқиш соатларига тўғри келади.

Ушбу тақсимот асосида 6 кредитлик фан ўқиш юкламасини аниқлайдиган бўлсак, талаба ушбу фан бўйича белгиланган кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 72 соат ($(30 \cdot 6) \cdot 0,40\% = 72$) аудитория дарсларини, 108 соат ($(30 \cdot 6) \cdot 0,60\% = 108$) уйда ва кутубхонада мустақил ўқиш юкламасини бажариши керак бўлади.

Баҳоларнинг ўртача қиймати (GPA) ва уни ҳисоблаш

- ECTS кредит – модуль тизимида талабанинг GPA уч босқичда ҳисобланади:
 - 1) **Биринчи босқич:** талабанинг белгиланган давр давомида ҳар бир модуль/фандан олган бали ўша фанга ажратилган кредитлар сонига кўпайтирилади ва юзага келган рақамларнинг барчаси қўшиб чиқилади.
 - 2) **Иккинчи босқич:** талаба ўша давр мобайнида ўқиган ҳар бир фанга ажратилган кредитлар миқдори қўшиб чиқилади.
 - 3) **Учинчи босқич:** биринчи босқичда аниқланган умумий рақамни иккинчи босқичда аниқланган кредитларнинг умумий миқдорига бўлинади. Натижа бу талабанинг ўша давр учун қўлга киритган GPA кўрсаткич.

Nazorat turlari va baholash mezonlari



- Institutda talabalar bilimini nazorat qilish oraliq va yakuniy nazorat turlarini o'tkazish orqali amalga oshiriladi.
- Oraliq nazorat semestr davomida fan dasturi (sillabus)ning tegishli bo'limi tugaganidan keyin talabanning bilim va amaliy ko'nikmalarini baholash maqsadida o'quv mashg'ulotlari davomida o'tkaziladi.
- Oraliq nazorat turi har bir fan bo'yicha fanning xususiyatidan kelib chiqqan holda 2 martadan o'tkaziladi.
- Oraliq nazorat turini o'tkazish shakli va muddati fanning xususiyati va fanga ajratilgan soatlardan kelib chiqib tegishli kafedra tomonidan mazkur tartibda beriladigan tavsiyalar asosida belgilanadi.
- Oraliq nazorat turining topshiriqlari tegishli kafedra professor-o'qituvchilari tomonidan ishlab chiqiladi va mudiri tomonidan tasdiqlanadi.






Кредит-модуль тизимида эса ОҒМнинг ҳар бир ўқитувчиси ўзининг ҳар бир фани бўйича 4-5 варокли фан дастурига, яъни “syllabus”га эга бўлиши ва уни семестр бошида талабаларга тақдим этиши керак бўлади. Фан дастури ўзида ушбу фаннинг мақсадлари, унинг ўқув дастурида тутган ўрни, талабанинг келажакдаги касбий фаолияти учун аҳамияти, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида нималар қила олиши, ушбу фан бўйича семестр давомида ўрганиладиган мавзулар, талабалар фойдаланиши зарур ва мумкин бўлган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Агар фан танлов фани бўлса талаба учун бундай маълумотларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки талаба фанни танлаш ёки танламаслик бўйича қарорга келиши учун фанни номини ёки уни ўқитадиган ўқитувчининг исмини билишни ўзигина кифоя қилмайди. Талаба бундай қарорга келиши учун фан бўйича етарли маълумотга эга бўлиши керак.



ECTS тизимида ўқув дастуридаги ҳар бир фанни ўқитишга ҳозирланаётган ўқитувчи даставвал ўзининг фан дастури “syllabus” ига эга бўлиши тавсия этилади. Фан дастури бу фаннинг “йўл харитаси” бўлиб, у талабага фан ҳақидаги энг муҳим маълумотларни беради. Фан дастури шакли ва таркиби турлича бўлиши мумкин лекин у энг камида қуйидаги масалаларни ўзида қамраб олиши керак:



Кредит-модуль тизими: асосий тушунчалари ва ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби



Кредит тизими у ёки бу курсни ёки яхлитликда маълум бир ўқув дастурини ўзлаштириш учун зарур ўқув юклармаси ва унга ажратилган вақтни аниқлаш учун зарур



Мустақил иш

(умумий соатнинг 60% ҳажмида)



Ёзма ишга тайёргарлик кўриш учун ажратилган вақт

«ЎҚУВ ВАҚТИ»



Китобларни ўқиш ва ёзма ишга тайёргарлик кўриш учун ажратилган вақт



Аудитория учун юкларма

(умумий соатнинг 40% ҳажмида)



Имтихонга тайёргарлик кўриш учун ажратилган вақт

Мустақил таълим шакллари ва ресурслари

Ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган мустақил таълим шакллари

Фан тўғаракларида, олимпиадаларда, илмий анжуманларда ва танловларда қатнашиш

Ҳисоб-график иши, курс иши (лойиҳаси) ни бажариш

Малакавий битирув иши, магистрлик диссертациясини бажариш

Малакавий, илмий-педагогик, илмий-тадқиқот амалиёти, стажировка ўташ

Докторант, таянч докторант, мустақил изланувчиларнинг илмий тадқиқотлари

Талабанинг мустақил иши учун ўқитувчи томонидан тақдим этиладиган

Ўқув адабиётлари ва интернет сайтлари

Глоссарийлар ва маълумотномалар

Кейслар ва топшириқлар тўплами

Видео материаллар

Амалий дастурлар

Платформа, форум ва чатлар

Силлабус, дастур, режа ва жадваллар

Кредит бу баҳо эмас!



5 кредитлик
фанни 3 баҳога
ўзлаштирган
талаба 5 кредитни
қўлга киритади.

5 кредитлик
фанни 3 баҳога
ўзлаштирган
БЎЛАДИ.


1 кредит = 30 соат = 12 соат (аудитория юкламаси) + 18 соат (мустақил иш)

Амалдаги таълим тизимида кадр тайёрлаш (4 йил)



Кредит-модуль тизимида кадр тайёрлаш (2+2 йил)

Таянч фанлар (2 йил)



Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнларини режалаштириш ва ташкил

қилиш

- малакавий талаблар, ўқув режаси ва фанлар каталоги илғор хорижий таълим тажрибаси асосида республика иқтисодиёти тармоқларида амалга оширилаётган ислохотлар, кадрлар истеъмолчилари талаблари ва миллий қадриятларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади;
- маҳаллий ва хорижий янги авлод адабиётларига таянган ҳолда фанлар каталоги бўйича фанларнинг ўқув дастурлари ишлаб чиқилади;
- фанларнинг ўқув дастурлари асосида силлабуслар (ишчи ўқув дастурлари) ишлаб чиқилади;
- ўқув режага қўшимча равишда танлов фанларининг рўйхати шакллантирилади;
- ўқув режа ва танлов фанлари рўйхатига мос равишда эдвайзерлар (ва тьютор-маслаҳатчилар) ёрдами билан, Регистратор Офиси ва декан назорати остида ҳар бир талабанинг шахсий ўқув режаси шакллантирилади;
- талабаларнинг шахсий ўқув режалари асосида ишчи ўқув режалари тузилади;
- ўқув йили мобайнидаги асосий ўқув жараёнлари ва уларни амалга ошириш муддатлари акс эттирилган ўқув жараёни жадвали (академик таквим) тузилади;
- йўналиш ва мутахассисликларнинг ишчи ўқув режаларига мос равишда кафедраларнинг ўқув юкламалари режалаштирилади ва профессор-ўқитувчиларнинг штат жадвали ҳамда уларга тақсимланган кредитлар тасдиқланади;
- академик гуруҳлар учун асосий дарс жадваллари (фан машғулотлари жадваллари) тузилади ва талабаларга танлов учун тақдим этилади;
- талабаларнинг танловлари асосида талабанинг шахсий дарс жадваллари тузилади ва тасдиқланади.

Талабанинг шахсий траекторияси

№	Фан коди	Фан номи	Кре­ди­т	Лектор, тьютор
		1-семестр	30	
1	INCH112	Умумий ва ноорганик кимё 1	6	
2	MATH101	Математика 1	6	
3	ITECH103	Ахборот технологиялари	6	
		Гуманитар танлов фанлари	6	
4	PHIL105	Медиа фалсафа	6	
5	SDEV106	Барқарор ривожланиш	6	
6	INSP118	Ихтисосликка кириш (ЮМБ)	6	
		2-семестр	30	
7	INCH113	Умумий ва ноорганик кимё 2	6	
8	MATH102	Математика 2	6	
9	PHYS104	Физика	6	
10	ENGR114	Муҳандислик графикаси	4	
		Хорижий тил бўйича танлов фанлари	3	
11	ENGL107	Инглиз тили	3	
12	GERL108	Немис тили	3	
		Тил бўйича танлов фанлари	3	
13	ORAL109	Нутқ маданияти	3	
14	RUSL110	Рус тили	3	
15	UZBL111	Ўзбек тили	3	
		Малакавий амалиётлар	2	
16	PRAC160	Танишув амалиёти (ЮМБ)	2	

Баҳолашнинг шаффофлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5-июндаги ПҚ-3775-сонли Қарорида муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштироки истисно этилди ва талабанинг ўзлаштириш даражаси – профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони этиб белгиланди. Яъни, эндиликда “ўқитувчининг ўзи ўқитиб - ўзи баҳолаш” усули кун тартибидан олиб ташланди.

Кредит-модуль тизимида ўқитувчи асосан ўқитиш билан шуғулланади. Баҳолашни эса комиссия амалга оширади. Яъни, педагоглар “лектор” ва “тьютор” ларга ажратилади. Лектор – назарий билим беради, тьютор – назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантиради, оддий қилиб айтганда талабаларни имтиҳонга тайёрлайди. Имтиҳонни эса комиссия қабул қилади.

Ёзги семестрни ташкил қилиш

(кузги семестр)

Курс	сентябрь					октябрь				ноябрь				декабрь				январь			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21
Б1	А	А	Т	Т	Т	Т
Б2	А	А	Т	Т	Т	Т
Б3	А	А	Т	Т	Т	Т
Б4	А	А	Т	Т	Т	Т

(баҳорги семестр)

(ёзги семестр)

		февраль				март				апрель					май					июнь				июль				август						
	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	51	52			
	А	А	М	М	М	М	М	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т		
	А	А	М	М	М	М	М	М	М	М	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	
	А	А	М	М	М	М	М	М	М	М	М	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т	Т
	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	М	Б	Б	Б	Б	Б	Б	Б	Т	Т	Т	Т	Т	Т				

Ўқув жараёнини рақамлаштириш

Силлабусларни рақамлаштириш

Ўқув юктамаларини рақамлаштириш

Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини рақамлаштириш

Фан машғулотлари журналларини рақамлаштириш

Фан машғулотлари дарс жадвалларини рақамлаштириш

Талабаларнинг шахсий дарс жадвалларини рақамлаштириш

Шахсий кабинетларни рақамлаштириш

Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси таркиби

•Фаннинг ўқув дастури

•Силлабус

•Маърузалар матни

•Амалий ва лаборатория машғулоти учун услубий кўрсатмалар

•ТМИ бўйича топшириқлар ва тарқатма материаллар

•ЎРТМИ бўйича тарқатма материаллар

•Глоссарий

•Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 30-сонли буйруғи билан кредит-модуль тизиминини жорий этишнинг ташкилий масалаларига тааллуқли ҳужжатлар

1-илова. Таълим дастури каталогида акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар

2-илова. Фанлар каталоги.

3-илова. Таълим тўғрисидаги келишувда акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар.

4-илова. Таълим тўғрисидаги маълумотномада акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар.

5-илова. Стажировкани ўташ тўғрисидаги сертификатда акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар.

6-илова. Талабанинг шахсий таълим траекторияси.

7-илова. Баҳоларни конвертация қилиш жадвали (5 баллик тизимдан фойзга).

8-илова. Олий таълим муассасасининг баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш

9-илова. Стажировкани ўташ бўйича келишувда акс эттирилиши тавсия этиладиган маълумотлар.

10-илова. Транскрипт.

11-илова. Баҳолаш қайдномаси.

Талабалар билимини баҳолаш мезонлари

Талабалар билимини баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади

5

талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 5 (аъло) баҳо;

4

талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 4 (яхши) баҳо

3

талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 3 (қониқарли) баҳо;

2


талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда — 2 (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланади.


!


Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни талабанинг ўзлаштиришини холис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши шарт


Талабалар билимини баҳолаш ва мустақил таълимини ташкил этишда қуйидагилар устувор вазифа бўлиши

ПОЗИМ

 Талабалардан олинган назорат ишларини текшириб, талабалар томонидан билдирилган ҳар-бир фикрга профессор-ўқитувчилар томонидан кенгайтирилган изоҳлар ёзилиши шарт!

 Оралик ҳамда якуний назорат саволларининг 60% и мустақил таълим мавзуларидан бўлиши шарт!

 Талабанинг ўзи бажариши лозим бўлган мустақил таълимни ҳам манбааси фан ўқитувчиси томонидан аниқ кўрсатиб берилиши шарт!

 Талабалардан олинадиган назорат турларида саволларнинг манбаси ҳам аниқ кўрсатилган бўлиши шарт. Акс ҳолда, талаба савол ёки берилган топшириқ юзасидан эътироз билдирган тақдирда у ҳақ бўлиб чиқади!

Талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш механизмлари

Бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади

Академик қарздор талабалар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ўқишни қайта тиклаш ва кўчириш ҳуқуқига эга. Таълим олувчи томонидан четлаштирилгунга қадар ўзлаштирган кредитлар миқдори олий таълим муассасаси томонидан тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН

РАХМАТ!